O'zbekiston Respublikasi
Toshkent shaxri
Mas'uliyati cheklangan
jamiyat shaklidag
ABS FINANS AUDIT
auditorlik tashkiloti

Toshkent shaxri, M.Ulugbek tumani, Mustaqillik ko'chasi
42 uy, h/r 20208000604318185001 AKB "Agrobank", MFO 00394
INN 204943384, OKED 69202, Tel.: +99871 267-36-41,
+99890 325-92-61

Республика Узбекистан
город Ташкент
Общество с ограниченной
ответственностью
ABS FINANS AUDIT
Аудиторская организация

Город Ташкент, М.Улугбекский район, улица Мустакиллик
дом 42, р/с 20208000604318185001 АКБ "Агробанк,
МФО 00394, ИНН 204943384, ОКЭД 69202, Тел.: +99871 267-36-41
+99890 325-92-61

№ 241/Б
30.05.2022 йил.

"MULK – SARMOYA BROKERLIK UYI" Акционерлик жамиятининг 2021 йил молиявий ҳисоботлари бўйича мустақил

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: **"MULK – SARMOYA BROKERLIK UYI" Акционерлик жамияти;**
- Жамият манзили: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 107 уй.
- Телефон: (71) 267 -35 - 41;
- Ҳисоб рақами: 2020 8000 9005 0042 2001;
- Банк: АИТБ "Ипак йўли "банкнинг Миробод филиали;
- Банк коди: 01101;
- ИНН: 201 199 743; ОКЭД: 66 190.

Аудиторлик ташкилоти:
-**"ABS FINANS AUDIT" МЧЖ** шаклидаги аудиторлик ташкилоти;
- Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси 100 077, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси 42 уй;
- Телефон: (998 90) 325 92 61;
- Ҳисоб рақами: 2020 8000 6043 1818 5001;
- Банк: АТБ «Агробанк»нинг Бош офиси;
- Банк коди: 00394; ИНН: 204 943 384; ОКЭД: 69202;

Аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган.

17.04.2004 йилдаги № 228 сонли реестр рақами билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи, Молия Вазирлигининг 10.04.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун АФ № 00805 сонли лицензиясига эга.

"GARANT INSURANCE GROUP" СК МЧЖ шаклидаги суғурта компанияси томонидан 26.01.2022 йилдаги **GI № 021301** рақамли аудиторлик ташкилотининг жавобгарлигини суғурталаш полиси берилган, муддати 30.01.2023 йилгача амал қилади.

- Директор: Саъдуллаев Абдиманон Бобакулович - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йилнинг 22 октябрида № 04758 сонли малака сертификати берилган, 2019 йил 22 октябрдан муддати узайтирилиб, чекланмаган муддатга амал қилади.

- Аудитор: Саъдуллаев Абдиманон Бобакулович - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йилнинг 22 октябрида № 04758 сонли малака сертификати берилган, 2019 йил 22 октябрдан муддати узайтирилиб, чекланмаган муддатга амал қилади.

Мен, Саъдуллаев А.Б **“MULK – SARMOYA BROKERLIK UYI”** Акционерлик жамиятининг (кейинги ўринларда “жамияти” деб юритилади) бухгалтерия баланси (1-шакл) дан иборат йиллик молиявий ҳисоботи, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи (2-шакл) шунингдек, ҳисоб сиёсатининг муҳим жиҳатлари ва бошқа тушунтириш маълумотларининг аудитини ўтказдим.

Раҳбариятнинг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

“Масъулияти чекланган жамияти”нинг раҳбарияти Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ушбу молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққоний тақдим этилиши учун жавобгардир. Ушбу масъулият қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хато ёки фирибгарлик туфайли жиддий нотўғри маълумотлардан ҳоли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва адолатли тақдим этиш билан боғлиқ бўлган ички назоратни лойиҳалаш, амалга ошириш ва сақлаш;
- тегишли бухгалтерия сиёсатини танлаш, қўллаш ва бошқа бухгалтерия ҳисобларидан оқилона фойдаланиш.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг масъулиятимиз,ўтказилган аудиторлик текшируви асосида ушбу молиявий ҳисоботлар бўйича фикр билдиришдир. Биз аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган аудит стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар биздан аҳлоқий талабларга риоя қилишимизни ва молиявий ҳисоботда жиддий хатолардан ҳоли эканлигига асосли ишонч ҳосил қилиш учун аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказишимизни талаб қилади.

Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ошкораликларга оид аудиторлик далилларини олиш учун процедураларни бажаришни ўз ичига олади. Процедураларни танлаш аудиторнинг профессионал мулоҳазасига асосланади, шу жумладан молиявий ҳисоботларнинг фирибгарлик ёки хато туфайли жиддий нотўғри кўрсатилиши ҳавфини баҳолаш.

Юқоридаги рискларни баҳолашда аудитор молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва адолатли тақдим этиш билан боғлиқ ички назорат тизимини кўриб чиқади, ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш учун эмас, балки “Жамият”нинг вазиятда зарур бўлган аудиторлик тартиб қоидаларини ишлаб чиқиш;

Бундан ташқари, аудит “Жамият” раҳбарияти томонидан қўлланиладиган ҳисоб сиёсатининг мақсадга мувофиқлиги ва бухгалтерия ҳисобининг асослигини баҳолашни шунингдек, молиявий ҳисобот тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўтказилган аудиторлик процедуралари ва олинган аудиторлик далиллари ушбу молиявий ҳисоботлар бўйича фикримиз учун асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

Аудиторлик фикри

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатлари бўйича **“MULK – SARMOYA BROKERLIK UYI”** Акционерлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрь ҳолатига кўра молиявий ҳолатини ҳамда ушбу санада якунланган йилдаги фаолияти натижаларини Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни асосида тўғри акс эттиради.

“ABS FINANS AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти директори: **Саъдуллаев А.Б.**

Аудитор: **Саъдуллаев А.Б.**